

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д.Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказди. Анжуманда улар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш борасидаги муваффақиятларини яна бир бор қайд этди.

Делегация номидан сўзга чиққан Германиядан ижрочи директор Клаус Штайн делегация Тошкентга Истанбулдан келгани ва у ерда ХВЖ ҳамда Жаҳон банки Гуруҳининг ҳар йилги кенгашида асосан жаҳон иқтисодий инқирози билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, инқирознинг турли мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ўрганиш ва таққослаш миссиянинг Ўзбекистонга бу галги ташрифининг мақсадларидан биридир.

К.Штайн республикамызда қатор манфаатдор томонлар, шу жумладан, жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлганидан мамнуният изҳор этди.

К.Штайн журналистларнинг ХВЖ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда Ўзбекистоннинг ин-

қирозга қарши чоралар дастурини қандай баҳолаши ҳақидаги саволига жавоб қайтарар экан: «Жаҳон иқтисодий инқирози Ўзбекистонга ўзининг салбий таъсирини деярли ўтказмади. Бунда ҳукуматнинг иқтисодий ўсиш ва инқироз таъсирини қарши туриш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб боргани муҳим омил бўлди», - деди.

«Бу, шунингдек, расмий идоралар томонидан жаҳон молия бозорларида иштирок этишда оқилона сиёсат олиб борилганининг ҳам самарасидир», - деди К.Штайн.

Бу борада ХВЖ вакили ҳукуматимиз томонидан ички бозорда талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилганини таъкидлади.

«Биз бу чора-тадбирларни маъқуллаймиз», - деди у.

ХВЖнинг Швейцариядан ижрочи директори Томас Мозер мамлакатимизни 2009-2010 йилларда иқтисодий ривожлантириш прогнозлари хусусида сўз юритар экан, ХВЖнинг жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги охириги нашрига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш 7-8 фоизни ташкил этиши кутулаётгани, 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич 2009 йилдагидан паст бўлмас-

лиги тахмин қилинаётганини маълум қилди.

Шунингдек, Германиядан ижрочи директор Клаус Штайн ХВЖнинг Ўзбекистонга нисбатан қатор позициялар бўйича нуқтаи назари ўзгарганини, негаки, мамлакатимиз мураккаб жаҳон иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини исботлай олганини эътироф этди.

«ХВЖнинг Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсатни, амалга оширилаётган ислохотлар суръати, ташқи қарзлар сиёсати, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли, шунингдек, банк фаолиятини назорат қилишни баҳолашга нисбатан нуқтаи назари сўнги пайтда ижобий томонга кескин ўзгарди. Шубҳасиз, бунга Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсати тўғри эканлигини намён эта олгани сабаб бўлди», - деб таъкидлади Клаус Штайн.

Германиядан ижрочи директор Клаус Штайн матбуот анжуманини якунлар экан, делегация номидан: «Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз», - деб таъкидлади.

ЎЗА.

## ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ КЎРГАЗМАСИ

Бугунги кунда маслаҳат хизматлари бизнесни ривожлантиришнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Зеро, халқимиз «маслаҳатли тўй тарқамас» деганда ҳар бир кенгашиб, бамаслаҳат қилинган ишнинг самараси юқори бўлишига ишора қилган бўлса ажаб эмас.



логияларини жорий этиш; сифатни бошқариш бўйича консалтинг; кадрларни бошқариш; IT-консалтинг, автоматлаштириш; қишлоқ хўжалигида консалтинг; аудиторлик бўйича консалтинг; солиқ маслаҳати ва кўплаб бошқа соҳалар ўз хизматларини намоиш қилдилар.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жиддий аҳд қилган, бизнесни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган ҳар қандай хўжалик

бўлган солиқ маслаҳатчилари томонидан 15 та солиқ маслаҳати ташкилоти очилган ва баъзилари очишли арафасида турибди. Уларнинг хўжалик субъектларига кўрсатаётган хизматлари қийматини эса аниқ суммаларда ифодалаш қийин: солиқ маслаҳатчисининг тўғри ва ўз вақтида берган маслаҳати ҳамда кўрсатган аниқ йўналиши туфайли миллион-миллион сўмлаб маблағларнинг беманзил ҳаракати олди олинган. Палатамиз айни вақтда Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ўз филиалларига эга.

Биз эса қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган кенг тармоқли фаолият юритиб, жумладан ўсимликларни уйғунлашган ҳолда химоя қилиш хизматларини кўрсатамиз, - дейди кўргазма иштирокчиси, «Ифода Агро Кимё Химоя» (Наманган) компанияси агрономи Алишер Маматвалиев. - Қишлоқ хўжалигида деҳқонга консалтинг хизматлари ҳам сув ва ҳаводек зарурдир: ердан қандай фойдаланиш, экин майдонини зараркунандалардан тозалаш, ўсимликларга керакли ўғитларни бериш жабҳасидаги консалтинг хизматлари пировард натижада ҳосилдорлик ошишини, деҳқоннинг даромади кўпайишини таъ-



минлайди. Бугунги кунга келиб компаниямиз 300 дан ортиқ фермер хўжаликлари билан шартнома асосида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Корхонамизнинг агроном ва агроном-энтмологлари уларга ўзларининг керакли маслаҳатларини бериб келаётирлар. Қишлоқ хўжалигига кимёвий препаратларни келтириш бўйича бизнинг компаниямиз Франция, Германия ва Голландиядаги компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Икки кунлик «Consult-Expo 2009» консалтинг хизматлари кўргазмаси давомида 15 та мастер-класслар (маҳорат дарслари) ўтказилди.

Уларда ўз соҳасининг етук мутахассислари бизнес-режалаштириш, брендинг, инжиниринг, консалтинг одоби соҳаларида ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, маслаҳат жабҳасида муваффақиятга эришиш сирларини ўргатдилар.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, хорижий нуфузли меҳмонлардан Бошқарув консалтинг институтларининг халқаро кенгаши раҳбари Анита Мэдок, Бошқарув консалтинги соҳасида эксперт Хизер Ослер иштирок этишди.

Нодир АЛИМОВ,  
журналист.

Жорий йилнинг 21-22 октябрь кунлари Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида бўлиб ўтган «Consult-Expo 2009» консалтинг хизматлари кўргазмасида бу фикр яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Халқаро бизнесни ривожлантириш агентлиги, ЕТБ Бизнес маслаҳатлар дастури (BAS Programme) ҳамда Профессонал бизнес-консультантлар уюшмаси ҳамкорлигида учинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмада бу сафар мамлакатимизнинг 100 дан ортиқ консалтинг компаниялари ўз ютуқлари билан иштирок этдилар.

Хусусан кўргазмада стратегия ва инвестициявий консалтинг; маркетинг, реклама ва маркетинг тадқиқотлари консалтинги; лойиҳалаштириш ва инжиниринг; энергияни тежаш ва атроф муҳит муҳофазаси техно-

юритувчи субъект солиқ маслаҳатчиси билан мустаҳкам муносабатда бўлади, - дейди кўргазма иштирокчиси, Ўзбекистон солиқ маслаҳатчилари палатаси бошқаруви раиси Хусниддин Ҳашимов. - Солиқ маслаҳатчиси институти, авваламбор, солиқ тўловчилар солиқларни ортиқча тўлашлари учун эмас, балки уларни ўз вақтида белгиланган миқдорларда тўлаб, бизнесни беҳавотир юритишлари учун замин яратади. Масалан ривожланган мамлакатларда ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини солиқ маслаҳатчисининг ёрдамисиз тасаввур қила олмайди, қонунчиликка тўғри ва қатъий амал қилиш ниятида доимо унинг хизматларидан фойдаланади. Республикамызда ҳам бу жабҳанинг ривожланиш тамойиллари сезилиб бормоқда - бугунги кунда Ўзбекистонда 27 нафар малака сертификатига эга



	1-бет	2-бет	3-4-бетлар	7-8-бетлар
	<b>ХВЖнинг баҳоси</b>	<b>Товар белгиси менинг мулким</b>	<b>Кадрлар бўлими</b>	<b>Янги қонун ҳужжатлари</b>
	\$1 = 1502,45 сўм	€ 1 = 2233,09	£1 = 2451,10 сўм	¥10 = 165,32 сўм

**INTER-PRESS** АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

**ОБУНА-2010** ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дний • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

Тел./факс: (99897) **119-0000**  
**155-0955**

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

Мулк ҳуқуқига, шу жумладан интеллектуал мулк ҳуқуқига риоя қилишнинг жамият ривожланишида аҳамияти катта. Шу сабабли интеллектуал мулкни муҳофаза ва ҳимоя қилиш долзарб масалага айланади. Бугунги кунда буни аввало интеллектуал фаолиятнинг кўриқланадиган натижаларидан ноқонуний фойдаланишнинг ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини бошқача бузишнинг анча юқори даражадалиги тақозо этмоқда. Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, фойдаланиш ва ҳимоя қилиш асослари қонун билан мустаҳкамланган. Амалиётнинг кўрсатишича, мазкур соҳага тааллуқли масалалар кўпчиликда қизиқиш туғдиради. Zero контрафакт маҳсулот ишлаб чиқариш,

муаллифлик ҳуқуқларини бузиш, улар эгаларининг интеллектуал фаолият натижаларидан ноқонуний фойдаланишга уринаётган шахслар билан кўп тўқнашишлари – буларнинг ҳаммаси бугунги кунда, афсуски, ҳаётимизда тез-тез учрайди.

Газетамиз Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси мутахассислари ва "Norma Hamkor" МЧЖ экспертлари томонидан тайёрланган "Интеллектуал мулк" материаллар туркумини чоп этишни бошламоқда. Бугун биз газетонларимизнинг интеллектуал мулк объектларини муҳофаза ва ҳимоя қилишга бағишланган саволларига жавоб берамиз.

## ТОВАР БЕЛГИСИ МЕНИКИ

**?** Компаниямиз вакиллари бозорни ўрганиш пайтида биз ишлаб чиқарётганга ўхшаш бўлган, бизнинг товар белгимизга ўхшаган белги билан маркировка қилинган товарлар борлигини аниқладилар. Мазкур ҳолда товар белгисини эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми қандай?

Шуни таъкидлаш зарурки, амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонун (2001 йил 30 августдаги 267-II-сон, бундан кейин – 267-II-сон Қонун) товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога тақлиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади. Товар белгисини эгасининг рухсатсиз амалга оширилган бундай ҳаракатлар, 267-II-сон Қонун 26-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Кимдир унинг розилигисиз бундай ҳаракатларни амалга ошираётганлигини аниқлаб, товар белгисининг эгаси Фуқаролик кодексининг 1107-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ва унга етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Аввало сизнинг товар белгингиздан ёки ўхшаш белгидан ноқонуний фойдаланаётган шахсга хат юбориб, белги эгаси мутлақ ҳуқуқларининг бузилиши далили аниқланганини кўрсатиш ва буни тўхтатишни талаб қилиш тавсия этилади. Унда белги эгаси унга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган товар белгисини, уни рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатади, ўз ҳуқуқлари бузилганлиги далилини тасдиқлайдиган маълумотларни келтиради, шунингдек ҳуқуқбузарликка барҳам бериш учун оқилона муддатни кўрсатади. Ҳуқуқбузарлик давом этган тақдирда у ўзининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида

судга мурожаат қилиши тўғрисида ҳам огоҳлантиради. Одатда кўпгина ихтилофи вазиятларни ана шу босқичдаёқ ҳал этишга муваффақ бўлинади, чунки, ўз товарларида ўхшаш белгидан фойдаланувчи шахс рўйхатдан ўтказилган товар белгисини тўғрисида билмаслиги мумкин. Бундай вазиятларда у ана шу белги билан ўз товарларини маркалашни тўхтатади ёки белги эгаси билан унинг товар белгисидан қонуний фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия шартномасини тузади.

Бироқ ҳуқуқбузар бундай ҳуқуқбузарликка барҳам бериш талабини эътиборга олмаслиги ва бошқа шахснинг товар белгисидан ёки ўз товарларидаги у билан ўхшаш белгидан ноқонуний фойдаланишда давом этиши мумкин. Бу ҳолда товар белгисини қонуний эгаси навбатдаги қадамни ташлаб, судга унинг мутлақ ҳуқуқлари бузилишини тўхтатиш ва унга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво аризаси топширади. Унга даъвогарнинг товар белгисига доир ҳуқуқини, уларнинг жавобгар томонидан бузилиши далилини ва унинг ҳуқуқбузарликни ихтиёрий равишда тўхтатишни хоҳламаслигини тасдиқлайдиган материаллар (масалан, белгидан фойдаланишни тўхтатиш талаб қилинган хат ва унга жавобнинг нусхаси), етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида талаб изҳор қилинган тақдирда – улар миқдорининг ҳисоб-китоби илова қилинади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ахборот чоп этилишини, тайёрлаб қўйилган товар белгисини ёки ўхшаш белгини йўқ қилиш, уларни ноқонуний фойдаланилаётган товардан (ёки ўровдан) олиб ташлаш, агар олиб ташлашнинг иложи бўлмаса – тегишли товарни йўқ қилишни назарда тутадиган ҳал қилув қарори қабул қилиши мумкин.

Албатта, бу турдаги ҳар бир вазиятда тарафларнинг позицияси, уларнинг ваз-далиллари ва низони бартараф этиш хоҳишига боғлиқ ўз хусусияти бўлади. Бироқ ҳар қандай ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларида товар белгисининг эгасига ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берадиган аниқ қоидалар мавжуд.

**?** Тадбиркорлик фаолияти соҳасини кенгайтириш учун юридик шахс бошқа юридик шахс билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Иккала юридик шахс эгаси бўлган битта товар белгисини рўйхатдан ўтказса бўладими?

Амалдаги қонун ҳужжатларида икки ёки ундан кўп шахс учун товар белгисини рўйхатдан ўтказиш назарда тутилмаган. Бироқ 267-II-сон Қонунда "жамоавий товар белгиси" деган тушунча мавжуд. Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгисини жамоавий белги ҳисобланади.

Жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш у бир шахсга эмас, балки уларнинг бирлашмасига тегишли эканлиги тақозо этган бир қатор хусусиятларга эгадир. Аввало бунинг учун бирлашма иштирокчилари жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисида келишув тузишлари керак. У албатта жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш учун Давлат патент идорасига бериладиган буюртманомага илова қилинади. Товар белгисини ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг (ДПИ директорининг буйруғи билан тасдиқланган, АВ томонидан 2009 йил 29 июлда 1988-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Қоидалар) 8-бандига мувофиқ, келишувда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- жамоавий белгини ўзининг номига рўйхатдан ўтказишга ваколат берилган шахснинг номи;
- ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати (тўлиқ расмий номи ва манзилгоҳини кўрсатган ҳолда);
- жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш мақсади;
- жамоавий белги билан белгиланадиган товарларнинг рўйхати ва ягона сифат ёки бошқа умумий кўрсаткичлари;
- жамоавий белгидан фойдаланиш шартлари;
- жамоавий белгидан фойдаланишни назорат қилиш тартиби ҳақидаги низом;
- келишувни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги низом.

Шу тариқа юридик ва (ёки) жис-

моний шахслар бирлашмасининг аъзолари жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш ёки уни қақриб олишга буюртманома топшириш тўғрисида биргаликда қарор қабул қилишлари мумкин (Қоидаларнинг 73-банди).

Бунда жамоавий белгини рўйхатдан ўтказишнинг мажбурий шартли бўлиб у билан ягона сифат ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларни белгилаш ҳисобланади. Буни тушунса бўлади, чунки у истеъмолчи онгида харид қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси ва сифати тўғрисида муайян тасаввур яратади. Бинобарин, бирлашма аъзоларининг ҳар бири ўз товарини жамоавий белги билан маркалаб, ишлаб чиқарилаётган товарга ва белгидан фойдаланишга нисбатан муайян талабларга риоя этиши керак, бу билан бирлашма ва унинг иштирокчилари муайян обрў-эътибори ва кийёфасини шакллантиришга имкон яратади.

Юқорида баён этилганларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки, тадбиркорликнинг ҳар бир субъекти ўз номига муайян товар белгисини рўйхатдан ўтказишга олади. Бироқ агар ягона умумий тавсифларга эга бўлган товарларни ишлаб чиқарувчи (ёки реализация қилувчи) бир нечта субъект битта товар белгисига эга бўлишни хоҳласа, жамоавий белгини расмийлаштиришлари мумкин.

**?** Тадбиркорлик субъекти ўзининг фирма номини рўйхатдан ўтказиб, қандай ҳуқуқларга эга бўлади? Бу бозордаги бошқа иштирокчиларнинг ноҳалол ҳаракатларидан (масалан, харидорларни жалб этиш мақсадида товарлардаги номланишдан фойдаланиш ва ҳоказо) ҳимоя қилишни кафолатлайдими?

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб унинг фирма номига ҳуқуқий муҳофаза тақдим этилади. "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонун (2006 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-51-сон, бундан кейин – ЎРҚ-51-сон Қонун) 6-моддасига мувофиқ, юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга. Қуйидагилар: фирма номини расмий бланкарда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш; фирма номини товарларда, рекламада, пешлавҳаларда,

босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида ишлатиш фирма номидан фойдаланишдир. Фирма номидан товар белгисининг (хизм кўрсатиш белгисининг) элементи сифатида фойдаланилиши мумкин. Бошқа шахслар фирма номидан ноқонуний фойдаланганда унга доир ҳуқуқ эгаси ўзининг ҳуқуқларини ЎРҚ-51-сон Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган усуллар билан ҳам ҳимоя қилинишини талаб қилиши мумкин. Улар жумласига қуйидагилар қиради: ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан ҳуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш; ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш; уларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш.

Ўз ҳуқуқларини янада тўлиқроқ ҳимоя қилишни таъминлаш учун субъект фирма номини товар белгисини сифатида рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. 267-II-сон Қонуннинг 26-моддаси товар белгисининг эгасига товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқини беради. Товар белгисини уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида, рекламада, бланкарда, пешлавҳаларда қўлланиши мумкин. Рўйхатдан ўтказиш бозорда келгусида худди шундай ёки товар белгисини чалкаштириб юбориш даражасига қадар у билан ўхшаш товар белгисини пайдо бўлишига йўл қўймаслик имконини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, товар белгисини (шу жумладан элемент сифатида киритиладиган фирма номини) рўйхатдан ўтказиш тадбиркорлик субъектининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Албатта, ҳеч ким кимдир фирма ёки компаниянинг шаклланиб бўлган обрў-эътибори ёки кийёфасидан фойдаланиб қолишни хоҳламайди деб кафолат бера олмайди. Бироқ рўйхатдан ўтказиш субъектининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва обрў-эътиборини бошқа шахсларнинг ноҳалол ҳаракатларидан янада тўлиқроқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминлаш имконини беради.

Светлана СИЛИВАНОВА,  
"Norma Hamkor" МЧЖ  
эксперт-юристи.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 20 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1376,85	1 Малайзия ринггити	443,97
1 Англия фунт стерлинги	2451,10	1 Польша злотийси	529,95
1 Дания кронаси	300,09	1 СДР	2392,35
1 БАА дирҳами	409,06	1 Туркия лираси	1028,23
1 АҚШ доллари	1502,45	1 Швейцария франки	1471,98
1 Миср фунти	274,42	1 ЕВРО	2233,09
1 Исландия кронаси	12,16	10 Жанубий Корея вони	12,77
1 Канада доллари	1446,47	10 Япония иенаси	165,32
1 Хитой юани	220,11	1 Россия рубли	51,23
		1 Украина гривнаси	188,28

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	22.10.2009	1	0,8031	1	1,2035	1	0,0276
Арманистон	22.10.2009	1	386,14	1	577,86	1	13,26
Беларусь	23.10.2009	1	2718,00	1	4069,93	1	93,45
Грузия	23.10.2009	1	1,6749	1	2,5077	1	5,7585
Қозғоғистон	23.10.2009	1	150,64	1	225,42	1	5,17
Қирғизистон	17.10.2009	1	43,7723	1	65,2754	1	1,4925
Латвия	23.10.2009	1	0,469	1	0,702804	1	0,0161
Литва	23.10.2009	1	2,3058	1	3,4528	10	7,9228
Молдова	22.10.2009	1	11,10	1	16,584	1	0,3802
Тожикистон	22.10.2009	1	4,3774	1	6,5432	10	1,4991
Ўзбекистон	20.10.2009	1	1502,45	1	2233,09	1	51,23
Украина	22.10.2009	100	799,30	100	1192,6355	10	2,7407
Эстония	22.10.2009	1	10,4572	1	15,6466	1	0,35896

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ  
СОҲДА:

#### • УСТУВОРЛИКЛАР

- Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатини юксак баҳолади
- Хизматлар соҳаси кўргазмаси

1-бет

#### • ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

- Товар белгиси меники
- Валюталар курси
- КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Ўриндошликка қабул қилинди

2-бет

- Ишдан бўшатишнинг ноодатий усули  
3-4-бетлар  
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР  
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

- "Электр энергетикаси тўғрисида".  
5-6-бетлар  
• top  
7-8-бетлар

# ЎРИНДОШЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ...

**?** Саволларга аниқ ва батафсил жавоб бераётганлигиниз учун миннатдорчилик билдирган ҳолда ўз саволим билан мурожаат қилмоқчиман. Мен МЧЖда бош бухгалтер бўлиб ишлайман ва ўриндошлик бўйича хусусий корхонада бухгалтерман. Ўриндошлик бўйича фаолиятни меҳнат дафтарчасида расмийлаштирмоқчиман, чунки ушбу иш даврларидан келгусида пенсия ҳисобкитоби учун фойдаланишни режалаштиряпман. Меҳнат кодекси 81-моддасининг 3-қисмига мувофиқ ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича ишлаш даврлари тўғрисида ёзув киритилиши мумкин. Ушбу ёзувни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак? Зеро меҳнат дафтарчасида доимий иш жойига қабул қилиш тўғрисидаги ёзув қайд этилган, айти шу даврда эса ходим ўриндошлик бўйича ишга жойлашади ва унга бу ҳақда ёзувни киритишни сўрайди. Бундай ҳолда айти нимани ёзиш лозимлигини тушунтириб берсангиз. У қандай тартибда ёзилади? Ўриндош ишдан бўшаганида нима деб ёзиш керак?

**Т.Мицкевич, бош бухгалтер.**

- Меҳнат кодекси (МК) 81-моддасининг учинчи қисми ўриндошлик бўйича ишлаш даврлари тўғрисида ёзувни меҳнат дафтарчасига киритиш мумкинлигини назарда тутди. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага (Меҳнат вазирлиги ва ИТВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин - Йўриқнома) мувофиқ меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиниши, бошқа доимий ишга ўтказилиши каби барча турдаги ёзувлар иш берувчи томонидан буйруқ берилгандан сўнг киритилади ва бу ёзув буйруқнинг мазмунига мос бўлиши шарт. Йўриқнома 2.12-бандининг тўққизинчи хатбошисига мувофиқ, меҳнат дафтарчасига ходимнинг ёзма аризасига биноан ўриндошлик иши тўғрисидаги маълумот ходимни ўриндошлик асосида ишга қабул қилган иш берувчи томонидан чиқарган буйруғига мувофиқ асосий иш жойидаги иш берувчи томонидан ёзилади.

Албатта, ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги ёзувни ушбу иш даври тугаганидан кейин қайд этиш анча қулайдир. Бироқ баъзан ходим бундай ёзувни унинг меҳнат дафтарчасига дарҳол киритишни сўрайди. Бу ҳолда у меҳнат дафтарчасига асосий иш жойи бўйича мавжуд охириги ёзувдан кейин киритилади.

**1-МИСОЛ.**

№/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами)
	кун	ой	йил		
1	2			3	4
				"Ишонч" масъулияти чекланган жамияти	
5	10	08	2009	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.08.2009 йилдаги 102-сон буйруқ
6	15	08	2009	"Бек" хусусий корхонасига ўриндошлик бўйича бухгалтер лавозимига қабул қилинди	15.08.2009 йилдаги 303-сон буйруқ

Ўриндошлик бўйича ишлаш даври мобайнида ходим бошқа лавозимга ўтказилган бўлса, Йўриқнома қоидаларига кўра ўтказиш тўғрисидаги ёзув охириги ёзувдан, мазкур ҳолда ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги ёзувдан кейин дарҳол киритилади.

**2-МИСОЛ.**

№/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами) кун
	кун	ой	йил		
1	2			3	4
				"Ишонч" масъулияти чекланган жамияти	
5	10	08	2009	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.08.2009 йилдаги 102-сон буйруқ
6	15	08	2009	"Бек" хусусий корхонасига ўриндошлик бўйича бухгалтер лавозимига қабул қилинди	15.08.2009 йилдаги 303-сон буйруқ
7	11	10	2009	"Ишонч" МЧЖ молиявий директори лавозимига ўтказилди	11.10.2009 йилдаги 410-сон буйруқ

Ўриндошлик бўйича ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзув худди ўша тартибда қайд этилади.

**3-МИСОЛ.**

№/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами)
	кун	ой	йил		
1	2			3	4
				"Ишонч" масъулияти чекланган жамияти	
5	10	08	2009	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.08.2009 йилдаги 102-сон буйруқ
6	15	08	2009	"Бек" хусусий корхонасига ўриндошлик бўйича бухгалтер лавозимига қабул қилинди	15.08.2009 йилдаги 303-сон буйруқ
7	11	10	2009	"Ишонч" МЧЖ молиявий директори лавозимига ўтказилди	11.10.2009 йилдаги 210-сон буйруқ
8	11	10	2009	"Бек" хусусий корхонаси билан ўриндошлик бўйича тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди	11.10.2009 йилдаги 411-сон буйруқ

## МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИГА ЎРИНДОШЛИК БЎЙИЧА ИШЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ЁЗУВНИ КИРИТИШНИНГ БОШҚА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ходимнинг меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳуқуқи мuddат билан чекланмаган. Бинобарин, асосий иш жойи бўйича иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра, у такдим этган ўриндошлик бўйича ишлашга қабул қилиш ва ундан бўшатиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирмалар асосида унинг меҳнат дафтарчасига тегишли маълумотларни киритиши керак. Йўриқномада ушбу масала бўйича махсус меъёрлар мавжуд эмас. Шу сабабли умумий қоидаларга амал қилиш зарур: 2-устунда ўриндош сифатида ишга қабул қилиш санаси кўрсатилади (ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги ёзув киритилган сана эмас); 3-устунда аниқ номланишини кўрсатган ҳолда ташкилотнинг таркибий бўлинмасига ўриндош сифатида қабул қилиниш тўғрисидаги ёзув қайд этилади; 4-устунда санаси ва рақами келтирилган ҳолда бунга асос бўлган ҳужжатнинг

номи кўрсатилади. Ушбу ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзув ҳам худди шундай тартибда киритилади. Шу тариқа, Йўриқнома талабларига риоя этилганда, киритиладиган ёзувларнинг хронологик кетма-кетлиги қуйидагича: асосий иш жойига қабул қилиш тўғрисидаги ёзув санаси ўриндошлик бўйича ишлашга қабул қилиш санаси ва ушбу ишдан бўшатиш санасидан анча кейинроқ бўлади (ходим ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги маълумотлардан кейин асосий иш жойи бўйича кадр хизматига ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги ёзувни киритиш илтимоси билан мурожаат этган тақдирда).



**4-МИСОЛ.**

№/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами)
	кун	ой	йил		
1	2			3	4
				"Ишонч" масъулияти чекланган жамияти	
5	10	08	2009	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.08.2009 йилдаги 102-сон буйруқ
6	11	10	2009	"Ишонч" МЧЖ молиявий директори лавозимига ўтказилди	11.10.2009 йилдаги 110-сон буйруқ
7	15	06	2007	"Интер" масъулияти чекланган жамиятига ўриндошлик бўйича бухгалтер лавозимига қабул қилинди	15.06.2007 йилдаги 303-сон буйруқ
8	11	10	2008	"Интер" масъулияти чекланган жамияти билан ўриндошлик бўйича тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди	11.10.2008 йилдаги 401-сон буйруқ

## ЎРИНДОШЛИКДАН АСОСИЙ ИШ ЖОЙИГА "ЎТИШ" АЛГОРИТМИ

Ходим билан меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, у билан тузилган дастлабки меҳнат шартномасини бекор қилиш керак эмас. Унга иш хусусияти (асосий ёки ўриндошлик бўйича), иш вақти, иш ҳақи ва бошқаларга тааллуқли қисмда ўзгартишлар киритиш етарлидир. Собиқ асосий иш жойи бўйича ходимнинг ёзма мурожаатига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги ёзув киритилади. Ўриндош доимий ходимга айланганидан кейин эса янги иш берувчи уни доимий ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувни киритади.

Қуйидаги тартиб ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди: аввалига ўриндошлик бўйича меҳнат шартномаси ходимнинг ўз хоҳишига кўра бекор қилинади, сўнгра у билан асосий иш жойи бўлган компаниядан бўшаши керак: буни унинг меҳнат дафтарчасидаги ёзув тасдиқлайди. Сўнгра ундан уни ўриндошликдан худди ўша лавозимдаги асосий иш жойи бўйича ишловчилар сирасига ўтказиш илтимос қилинган ариза олинishi керак.

Иккинчи талаб - меҳнат шартномасига иш вақти режими, тўланадиган ҳақ миқдори, асосий ходим ишининг бошқа шартларига тааллуқли бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида битим тузиш.

Учинчи талаб - ўриндошни асосий ходимга айлантириш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштириш. Меҳнат кодексига кўра, ушбу таомил ўтказиш ҳисобланмайди, шу сабабли уни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан расмийлаштириб бўлмайди. Бу ҳолда тахминан қуйидагича буйруқ чиқарамиз: "Бухгалтер лавозимига ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим Л.М.Мирзажонов 2009 йил 1 октябрдан бошлаб худди шу лавозимда, штат жадвалига кўра (ёки меҳнат шартномаси бўйича) маош билан, асосий иш бўйича ишлаётган деб ҳисоблансин. Асос: меҳнат шартномасига киритилган ўзгартишлар".

Тўртинчи талаб - меҳнат дафтарчасига ёзув киритиш. Бунда мураккаблик шундан иборатки, қонунчилик унда шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги ёзувларнинг бўлишини назарда тутмайди. Бироқ асосий иш жойи бўйича ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув албатта киритилиши керак. Ушбу вазиятдан чиқиш йўли қуйидагича бўлиши мумкин. Аввалига собиқ асосий иш берувчи ўриндошлик бўйича аввалги иш тўғрисидаги ёзувни киритади. Сўнгра янги асосий иш берувчи асосий иш жойи бўйича ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувни киритади.

**5-МИСОЛ.**

№/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами)
	кун	ой	йил		
1	2			3	4
				"Ишонч" масъулияти чекланган жамияти	
5	10	08	2005	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.08.2005 йилдаги 102-сон буйруқ
6	11	10	2006	Молиявий директор лавозимига ўтказилди	11.10.2006 йилдаги 110-сон буйруқ
7	15	08	2009	"Бек" хусусий корхонасига ўриндошлик бўйича бухгалтер лавозимига қабул қилинди	15.08.2009 йилдаги 255-сон буйруқ
8	15	08	2009	Меҳнат шартномаси бекор қилинди	15.08.2009 йилдаги 303-сон буйруқ
				Кадрлар бўйича инспектор "Ишонч" МЧЖ муҳри	Кадрлар бўйича инспекторнинг шахсий имзоси
				"Бек" хусусий корхонаси	
9	1	10	2009	Бухгалтер лавозимига қабул қилинди	1.10.2009 йилдаги 401-сон буйруқ

Ўриндошлик бўйича аввалги иш тўғрисидаги ёзув мажбурий эмас. Бироқ у кейинчалик ходимнинг мазкур корхонадаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ҳамда пенсияга чиқаётганда керак бўлиб қолиши мумкин.



# ЎРИНДОШЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ...



## АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДАН ЎРИНДОШЛИК БЎЙИЧА ИШЛАШГА "ЎТИШ"

Бундан аввалги ҳолдагидек ходим аввало уни худди ўша лавозимда ўриндошлик бўйича ишлапти деб ҳисобланиши ва уни асосий иш жойида тақдим этиш учун унга меҳнат дафтарчаси берилиши илтимос қилинган ариза топшириши лозим. Иш берувчи ва ходим меҳнат шартномасига ўриндошлик битим тузишлари керак. Сўнгра асосий ходим ўриндошга айланиши ва унга меҳнат дафтарчаси берилиши тўғрисидаги буйруқ расмийлаштирилади.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт (МКнинг 81-моддаси). Асосий ходимнинг ўриндошга "айланиши" ўтказиш ҳисобланмайди, меҳнат шартномаси ҳам бекор қилинмайди. Шу сабабли, меҳнат қонунчилигига кўра, мазкур ҳолда меҳнат дафтарчасига ёзув киритиш шарт эмас. Бироқ бунда қонуний бўлса-да, ностандарт вазият вужудга келиши мумкин, яъни меҳнат дафтарчасида гўё асосий иш жойи бўйича ишга қабул қилиш тўғрисида кетма-кет иккита ёзув қайд этилади. Шу сабабли ҳар ҳолда ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида ёзувни қайд этган яхшидир (у асосий иш берувчи томонидан ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувдан кейин киритилади).

*Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, иш берувчининг меҳнат дафтарчасини бериш мажбурияти меҳнат шартномаси бекор қилингандагина юзга келади. Мазкур ҳолда эса меҳнат дафтарчаси амал қилишда давом этади. Шу сабабли иш берувчи меҳнат дафтарчасини тақдим эта олади, бироқ бунга мажбур эмас. Агар у бундай ўзгаришларга рози бўлмаса, ходим икки нарсадан бирини танлаши: меҳнат шартномасини ўз хоҳишига кўра бекор қилиши ёки ушбу корхонадаги меҳнат фаолиятини асосий иш жойидагидек давом эттириши керак бўлади.*

## ИШДАН БЎШАТИШНИНГ НООДАТИЙ УСУЛИ

Ишдан бўшатиш ходимларни ҳам, иш берувчиларни ҳам бирдек таъшивлантирадиган масаладир. Мабодо фирма раҳбарлари ходим билан хайр-хўш қилмасликнинг иложсизлигини билсалар, ишдан бўшатишнинг ички механизмларидан ташқари бозор таклиф этаётган механизмларнинг ҳам таъсирчанлигини баҳолай билишлари керак.

### ИШДАН БЎШАТИШ СИРИ

Иш берувчи ходимлар билан муносабатни қандай сабабга кўра тўхтаётган бўлмасин, баърибир бутун галва юристлар билан кадрлар бўлими ходимлари гарданига тушади. Одатда улар ишни меҳнатга оид муносабатларни расмийлаштиришга тааллуқли ҳужжатларни текширишдан бошлайдилар. Ички тартиб-қоида ва шу сингариларни синчиклаб кўриб чиқадилар. Ходимни ишдан бўшатаётганда тижорат сирини билан боғлиқ муносабатлардан фойдаланиш энг осон йўл ҳисобланади. Кўпинча тижорат сирини, гарчи у ҳақда меҳнат шартномасида гапириб ўтилган бўлса-да, корхонада ҳужжатлар асосида расмийлаштирилмаган бўлади. Компаниянинг ташкилий тузилмаси махфийликни сақлашга қаратилган бўлиб, унда муҳим маълумотларнинг четга чиқиш кетишидан ҳимоя этишининг ички воситалари мавжуд. Бундан ташқари, деярли ҳамма фирмалар таркибидан тижорат сирини бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида ўз ходимлари билан келишув туздиладилар. Мана шу қайдани бузган одамни жавобгарликка тортиш осон.

### МУҚОБИЛ ЙЎЛЛАР ҲАМ БОР

Ходимлар сонини қисқартиришда яхши мутахассисларни қўлдан чиқаришни истамайдиган айрим раҳбарлар бизда ҳам кўриниб қолган аутстаффингдан фойдаланмоқдалар. Бундай хизмат ходимни сақлаб қолган ҳолда уни буюртмачи компаниянинг асосий штатидан чиқариш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, ходимлар ўша иш берувчининг ўзида одатдаги мажбуриятларини бажараверадиладилар, аммо провайдер фирма штатидан турадилар ва иш ҳақини ҳам шу, янги жойдан оладилар. Компания ана шундай хизмат ҳисобидан иш сифатини пасайтирмаган ҳолда ходимлар бошқарувига кетадиган харажатларни камайтиришга муваффақ бўлади.

### ПАХТАГА ЎРАБ ДЕГАНЛАРИДЕК

Аутплейсмент (инглизча outplacement сўзидан) атамасининг аниқ таржимаси йўқ. "Out" аслида "туёғингни шикиллат" деган маънони англатади, "placement" да эса "жойлаштириш" маъноси мужассам. Амалиётда ана шу тушунча замирида ишдан бўшатилаётган ходимларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ хилма-хил ёрдамчи хизматлар дои-

жаларига қараганда, иш берувчи тавсифномани кўриб чиқишга нари борса ўн секунд сарфлайди. Мана шу кўз югуртириш асносида у қизиқтирувчи жиҳатга кўзи тушмаса, бу тавсифномани эътиборсиз қолдиради. Оқил маслаҳатчи тавсифномада нималарга кўпроқ урғу бериш кераклигини йўриғи билан тушунтиради, тавсифноманинг бир неча вариантини тайёрлашни, уларнинг ҳар бирини яхшилаб таҳрир қилиб, сайқал беришни ўргатади. Натижада анкета самардорлиги 3-4 баравар ортади, иш излаётганнинг ишли бўлиш имконияти 20 фоиздан кўтарилиб 80 фоизга етади. Бундан ташқари кадрларга оид

### ДАРВОҚЕ

Америкалик психологлардан Томас Холмс ва Ричард Рэй ҳаётда учрайдиган воқеалар қалбга етказадиган шикаст даражаси бўйича таснифланувчи оғир кечинмалар шкаласини ишлаб чиқдилар. Бунда эрнинг (хотиннинг) вафоти энг юқори балл билан белгиланган. Ишдан бўшатиш ҳам юқоридан жой олган. Кўрсаткич жиҳатидан у турма қамоғидан озгина орқароқда, ҳолос.

Тадқиқот бунақа тартиб-таомиллар одамлар учун одат бўлиб кетган Америкада ўтказилганлигига эътибор беринг. Ишдан бўшатиш касб борасидаги оғир жазо, ишчанлик борасидаги яроқсизлик ва шахсан ноқобиллик далили сифатида қараладиган мамлакатларни-ку қўяверинг. Шу сабабли ҳам ишдан бўшаган ходимларда ўзларини ранжитган иш берувчилардан ўч олиш иштиёқи тез-тез сездириб туриши боиси ҳам шунда бўлса керак.

раси ётади. Таассуфки, бизда бу тармоқ унча ривожланмаган ва у билан асосан ташкилотлар раҳбарларининг буюртмаси асосида кадрларга оид агентликлар шуғулланадилар.

Ходимларини бўшатаётган иш берувчи кадрларга оид агентлик билан шартнома тузиши мумкин. Ана шунда бу агентлик компаниянинг ишдан бўшатилаётган ходимлари ҳақидаги гам-хўрликни ўз зиммасига олади. Агентлик мутахассислари ишдан бўшатилаётганлар билан бир қанча машғуллар ўтказадилар, уларнинг "иссиқ ўрин"ни бўшатиб янги иш топиш билан боғлиқ салбий кечинмалари йўналишини янги ўзганга буриб юборадилар, уларга ўзлари ҳақида қисқача тавсифнома ёзиш йўлларини таклиф этадилар, суҳбатлашув асносида ўзларини қандай тутиш тўғри бўлишини тушунтирадилар.

Сир эмаски, ишга кириш олди-дан суҳбатлашувга келган ҳар беш кишидан тўрттаси ўз тавсифномасида иш берувчининг қизиқтирадиган ҳеч нарса йўқлиги учун ҳам рад жавоб олади. Тегишли тадқиқотлар нати-

агентлик ходимларнинг касб борасидаги ўқуви ва билимдонлиги даражасини, қандай маош олишни кўзлаётганлигини билиш мақсадида бир нечта суҳбат ўтказиши ва шу асосда номзодлар янги касбни эгаллашига ёки билимини оширишига кўмаклашадиган кўшимча таълим курслари ташкил этиши мумкин. Иш ҳақи хусусида ҳолис ахборотга эга бўлиш учун агентликлар бозорларда мунтазам равишда мониторинг ўтказадилар. Бу номзоднинг реал қийматини унга бозорда тавсия этилаётган хизматларнинг ўртача баҳоси билан қиёслаш учун жуда зарурдир. Аутплейсмент хизматларининг энг сара вариантыда ходимларни пировард равишда ишга жойлаштириш ҳам назарда тутилади.

Аутплейсмент номзод ҳақидаги маълумотларни агентликнинг "серҳаркат рўйхати"га ҳамда Интернетдаги сайтга киритишга, шунингдек агентлик кадрлар топиб бериш юзасидан шартнома тузмаган, аммо маъқул келадиган бўш ўринлар тўғрисида эълон берган иш берувчиларга иш излаётган ходимнинг тавсифномасини юборишга

№/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (сана, тартиб рақами) кун
	кун	ой	йил		
1	2			3	4
				"Ишонч" масъулияти чекланган жамияти	
5	10	08	2005	Бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.08.2005 йилдаги 102-сон буйруқ
				"Бек" хусусий корхонаси	
6	11	10	2009	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	11.10.2009 йилдаги 401-сон буйруқ
7	10	10	2009	"Ишонч" масъулияти чекланган жамиятига ўриндошлик бўйича бухгалтер лавозимига қабул қилинди	10.10.2009 йилдаги 200-сон буйруқ

Амалиётда кўпинча аввалига асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади, сўнгра эса ўриндошлик бўйича янги меҳнат шартномаси тузилади. Бу ҳам қонуний ва меҳнат дафтарчасига ёзув киритиш бобида кадр хизмати учун жуда қулай вариантдир. Бироқ бундай тартиб ходимга ҳам, иш берувчига ҳам ноқулай бўлиши мумкин. Масалан, натижада ходимга фойдаланилмаган таътил учун каттагина компенсация тўлашга тўғри келса – иш берувчи учун, мукофот миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун мазкур корхонада узлуксиз ишлаш вақти қабул қилинса – ходим учун. Бироқ бундай вариант келгусида қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини эътироф этиш лозим. Чунончи, пенсия расмийлаштирилаётганда ушбу давр учун меҳнат стажини қўшимча ҳужжатлар билан тасдиқлаш талаб қилиниши мумкин.

Мария ТУХТАРОВА,  
"Норма" МЧЖ юристи.

ёрдам беради. Зўр бериб тавсия этилаётган номзодларнинг тавсифномаси иш берувчининг кўлига биринчилар қатори бориб тушади, бу эса унинг суҳбатлашувга таклиф этилиш имкониятини оширади.

### ИНГЛИЗЧАСИГА ИШДАН БЎШАТИШ

Аутплейсментнинг яна бир қизиқарли варианты ёпиқ йўсинда ишдан бўшатишдир. Бундай нарса борлигини кўпчилик билмайди ҳисоб, чунки уни деярли тарғиб ва реклама қилишмайди. Гап шундаки, ёпиқ йўсиндаги аутплейсмент юқориқор лавозимдаги ходимни бўшатиш демакдир. Унинг ўзи бундан тамомила беҳабар бўлади. Бинобарин, раҳбарият бирон сабаб билан энг олди менежердан халос бўлиш ҳаракатига тушган бўлса, уни очиқчасига ишдан бўшатиш хатарли, чунки у рақобатчиларга ишга ўтиб кетиш ёки каттагина тоvon пули талаб қилиш билан компанияга зарар келтириши мумкин.

Шу сабабли кўнгилсиз оқибатлар юз беришидан холи қолмоқчи бўлаётган фирма кадрларга оид агентликка шу ходимни секингина рўбарў қилиб қўяди. Агентлик бу номзодга бир нечта қизиқарли таклифлар тайёрлайди, охир-оқибат улардан бу менежер бўйин товлай олмайди. Натижада ходимнинг ўзи қизиқарли янги ишда ишлаш учун компаниядан бажонидил кетади, собиқ иш берувчига нисбатан унда гина-қудурат бўлмайди.

### СИХ ҲАМ, КАБОБ ҲАМ КУЙМАСИН

Оғир ботмайдиган қилиб ишдан бўшатишнинг қиймати аутплейсментнинг турига, унинг таркибига кирувчи хизматлар жамламасига ва ишдан бўшатилаётган ходимнинг лавозимига боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Гуруҳларга кўрсатиладиган хизмат-

ларнинг қийматини ҳисоблашда сумма семинар иштирокчиларининг миқдорига ҳамда уларнинг билими савиясига боғлиқдир. Ишдан бўшатишнинг ёпиқ йўсиндаги тури энг қimmatга тушадиган турдир. Бу ерда сумма

қандай бўлишини тахминан айтиш ҳам қийин, чунки у кўпгина омиллар билан боғлиқдир.

Ҳамма нарса муқоясада билинади дейдилар. Шундан келиб чиқиб, корхона тугатилаётганда ёки ходимлар штати қисқартирилаётганда бир йўла тўланадиган нафақа тўловини эслайлик. Агар гап энг олди менежерни ишдан бўшатиш ҳақида бораётган бўлса, бунда компания кўп ҳолларда келишув битими тузиб, лавозимидан воз кечиши учун мўмайгина, баъзан ҳатто унинг йиллик иш ҳақи га тенг миқдорда пул тўлашига тўғри келади.

Шундай қилиб, иш берувчи қонунчилик асосида ёки шартнома билан белгилаб қўйиладиган нафақа тўлаш учун "харажат халтаси"ни очишга мажбур бўлади. Шунингдек тарафлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш муносабати билан кўзда тутилмаган қичимини, шунингдек суд харажатларини ҳам кўтариши керак. Бундан ташқари, ишдан бўшатиш даврида, шунингдек янги ходимнинг жамоага сингишиб кетиши учун талаб этиладиган даврда меҳнат унумдорлиги борасида бўладиган муайян йўқотишларни ҳам унутмаслик керак. Иш жараёнини қайта куриш билан боғлиқ харажатлар бўлиши эҳтимолини ҳам эътиборда тутиш зарур.

Буларга яна оғир ботмайдиган қилиб ишдан бўшатиш ходимнинг ўз истаги билан содир бўлмаётганда албатта келиб чиқадиган маънавий оғриқлардан халос бўлиш имкони кўшиладиган бўлса, бу хизмат таклифга ҳам, талабга ҳам тўла жавоб беради дейиш мумкин.

Хорижий матбуот материалларидан.

## МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб  
офис  
тиббий  
металл каркасда  
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЭНЕРГИЈЛАР

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**  
- "Электр энергетикаси тўғрисида".

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТЎҒРИСИДА\***  
Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 40-сон, 431-модда)

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**  
Ушбу Қонуннинг мақсади электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**электр энергетикаси** — электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаси;

**ягона электр энергетикаси тизими** — электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар, магистраль электр тармоқлари, ҳудудий электр тармоқлари мажмуи ва уларнинг тезкор-диспетчерлик бошқаруви;

**электр энергетикаси объектлари** — электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар, шунингдек электр тармоғи хўжалиги объектлари;

**электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар** — ягона электр энергетикаси тизимига уланган стационар электр станциялари (иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, гидроэлектростанциялар, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган бошқа электр станциялари);

**электр тармоғи хўжалиги объектлари** — электр энергиясини узатишни амалга ошириш учун мўлжалланган электр узатиш линиялари, трансформатор подстанциялари, тақсимлаш пунктлари;

**магистраль электр тармоқлари** — электр энергиясининг минтақалараро ва (ёки) давлатлараро узатилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган электр тармоғи хўжалиги объектлари мажмуи;

**ҳудудий электр тармоғи** — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудуди доирасидаги электр тармоғи хўжалиги объектлари мажмуи;

**тезкор-диспетчерлик бошқаруви** — электр энергетикаси объектларининг технологик жиҳатдан ўзаро уйғун ишлашини ва ягона электр энергетикаси тизими ишлаб туришининг технологик режимини марказлаштирилган тарзда узлуқсиз бошқариш жараёни;

**электр энергияси** — бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар;

**электр энергияси истеъмолчиси (истеъмолчи)** — электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергиясидан ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун фойдаланувчи юридик ёки jisмоний шахс;

**авария режими** — электр энергетикаси объектлари ишлаши технологик параметрларининг ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туриши бузилишига ва истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилиши чекланишига олиб келиши мумкин бўлган, йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда бузилиши.

### 2-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

**4-модда. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш;

ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш;

истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш;

энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш;

электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш;

электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш;

электр энергиясидан ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

**5-модда. Электр энергетикаси соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар**

Электр энергетикаси соҳасида давлат томонидан тартибга солишни қуйидагилар ўз ваколатлари доирасида амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

қонун ҳужжатларида белгиланадиган электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган;

қонун ҳужжатларида белгиланадиган электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электр энергетикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

электр энергетикасини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

электр энергетикаси соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини амалга оширади;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиради;

электр энергетикаси объектларини молиялаштириш, куриш, ишга тушириш ва фойдаланишдан чиқариш тартибини белгилайди;

қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ҳосил қилишга доир лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилишига кўмаклашади;

ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ҳосил қилинишини лицензиялашни амалга оширади;

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлайди.

\*Мазкур Қонун "Халқ сўзи" газетасининг 2009 йил 1 октябрдаги 191-192 (4854-4855)-сонида эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган**

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган: ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини ҳамда истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари қаноатлантирилишини таъминлайди; электр энергетикасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда иштирок этади ҳамда электр энергияси тарифлари юзасидан тақлифлар киритади;

ягона электр энергетикаси тизимининг ишлаб туриши режими ни белгилайди;

магистраль электр тармоқларини бошқаради;

энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларини амалга оширади;

ягона электр энергетикаси тизимининг тизим оператори (бундан буён матнда тизим оператори деб юритилади), электр энергиясининг ягона харид қилувчиси, магистраль электр тармоқлари корхонаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

электр энергетикаси соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

юридик шахсларнинг электр энергетикаси объектларидан фойдаланишни ташкил этиши устидан техник ва технологик назоратни амалга оширади;

электр энергетикаси соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини мувофиқлаштиради;

электр энергетикаси соҳасидаги синов лабораторияларининг ишларини ташкил этади;

электр энергетикаси объектларидаги илмий-тадқиқот, созлаш, таъмирлаш ва муҳандислик-лойиҳа ишларини мувофиқлаштиради;

электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

электр энергетикаси соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир ишлар мувофиқлаштирилишини амалга оширади.

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органининг ваколатлари**

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи:

электр энергетикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларининг рўйбга чиқарилиши, шунингдек ундан оқилона фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказишни лицензиялашни амалга оширади.

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг электр энергетикаси соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

электр энергетикасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

электр энергетикаси объектларини жойлаштириш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади; келгуси йил учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан тақдим этилган электр энергияси истеъмоли ҳажмларини келишиб олади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тезкор-диспетчерлик бошқарувида, шунингдек электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва тақсимлашга аралашшга ҳақли эмас.

**3-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ**

**10-модда. Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар**

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар электр энергиясини ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаш ва магистраль электр тармоқларига сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини етказиб бериши шарт.

Ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергиясини ҳосил қилиш фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияланиши керак.

Ягона электр энергетикаси тизимига уланган иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган электр станциялари давлат мулки ёки хусусий мулк бўлиши мумкин. Ягона электр энергетикаси тизимига уланган гидроэлектростанциялар давлат мулкидир.

**11-модда. Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарнинг ягона электр энергетикаси тизимига уланиши**

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарнинг ягона электр энергетикаси тизимига уланиши белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиш**

Юридик ва жисмоний шахслар ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиши мумкин.

Ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиш фаолияти лицензияланмайди.

Ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга электр энергиясини ҳосил қилувчи электр қурилмаларини ҳудудий электр тармоғига улаш тақиқланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзи фойдаланиши учун ҳосил қилинган электр энергиясини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз электр тармоқлари орқали амалга оширилиши мумкин.

**13-модда. Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси**

Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг бўлинмасидир.

Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси:

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар билан электр энергиясини харид қилиш бўйича шартномалар тузади;

электр энергиясини ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш бўйича шартномалар тузади;

магистраль электр тармоқлари корхонаси билан электр энергияси ҳосил қилувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини узатиш бўйича шартнома тузади;

ягона электр энергетикаси тизимида электр энергиясини ҳосил қилиш ва узатиш самарадорлиги мониторингини амалга оширади;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда белгиланган тартибда иштирок этади.

Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

**4-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ**

**14-модда. Магистраль электр тармоқлари**

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини узатиш, шунингдек бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорлик магистраль электр тармоқлари орқали амалга оширилади.

Магистраль электр тармоқлари магистраль электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан ҳамда юридик шахсларнинг магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланиладиган электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан иборатдир.

**15-модда. Магистраль электр тармоқлари корхонаси**

Магистраль электр тармоқлари корхонаси:

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини узатишни, шунингдек бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

электр энергиясини магистраль электр тармоқлари орқали узатишда хавфсизликни таъминлайди;

ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туради;

Электр станциялари ва тармоқларидан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига (бундан буён матнда Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидалари деб юритилади) мувофиқ ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Магистраль электр тармоқлари корхонаси қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Магистраль электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғи ҳўжалиги объектлари давлат мулкидир ва улар хусусийлаштирилмайди.

#### **16-модда. Юридик шахсларнинг магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланиладиган электр тармоғи ҳўжалиги объектлари**

Юридик шахсларнинг электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг қарорига кўра магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қайси юридик шахсларнинг электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилса, ўша юридик шахслар:

электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туриши;

Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан фойдаланишни ва уларни таъмирлашни амалга ошириши;

электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Қайси юридик шахсларнинг электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилса, ўша юридик шахслар:

худудий электр тармоқлари корхоналари билан электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар тузишга;

электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг рухсатсиз электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан фойдаланишга ёки уларни фойдаланишдан чиқаришга ҳақли эмас.

### **5-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА СОТИШ**

#### **17-модда. Худудий электр тармоқлари**

Худудий электр тармоқлари орқали электр энергиясини тегишича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худуди доирасида магистраль электр тармоқларидан истеъмолчиларга узатиш амалга оширилади.

Худудий электр тармоқларининг электр тармоғи ҳўжалиги объектларини бошқаришни тегишли худудий электр тармоқлари корхоналарининг тезкор-диспетчерлик хизматлари амалга оширади.

#### **18-модда. Худудий электр тармоқлари корхоналари**

Худудий электр тармоқлари корхоналари электр энергиясини истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотишни амалга оширади.

#### **Худудий электр тармоқлари корхоналари:**

электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан шартнома асосида электр энергиясини олади;

электр таъминоти корхоналарига истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномалари тузиш ҳуқуқини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бош ишончнома беради;

истеъмолчиларга электр таъминоти шартномаси асосида электр энергиясини сотишни амалга оширади;

истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизликни таъминлайди;

ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туради;

Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

электр энергиясини истеъмол қилувчи электр қурилмаларини белгиланган тартибда худудий электр тармоқларига улаш учун истеъмолчиларга техник шартларни беради.

Худудий электр тармоқлари корхоналари қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Худудий электр тармоқлари корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда

хусусий операторга туман, шаҳар доирасида электр энергиясини сотишининг айрим масалаларини топшириши мумкин.

#### **19-модда. Электр таъминоти корхоналари**

Электр таъминоти корхоналари худудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергиясини туман, шаҳар, ишлаб чиқариш зонаси доирасида истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотишни амалга оширувчи бўлинмаларидир.

#### **Электр таъминоти корхоналари:**

истеъмолчининг белгиланган тартибда киритган таклифларига мувофиқ электр энергиясининг ойлик шартномавий истеъмолли ҳажмларини шакллантиради;

Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Электр таъминоти корхоналари қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **6-БОБ. ТЕЗКОР-ДИСПЕТЧЕРЛИК БОШҚАРУВИ**

#### **20-модда. Тезкор-диспетчерлик бошқаруви тизими**

Тезкор-диспетчерлик бошқаруви тизимига қуйидагилар кирди:

тизим оператори;

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

магистраль электр тармоқлари корхонасининг тезкор-диспетчерлик хизмати;

қайси юридик шахсларнинг электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилса, ўша юридик шахсларнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

худудий электр тармоқлари корхоналарининг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

энергия кўп сарфланадиган ускуналардан фойдаланадиган юридик шахсларнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари.

Тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга ошириш тартиби электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

#### **21-модда. Тизим оператори**

Тизим оператори ягона электр энергетикаси тизимининг ишлаб туриши технологик режимининг, магистраль электр тармоқларининг тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширади, шунингдек ягона электр энергетикаси тизимининг бошқа давлатлар электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорлигини таъминлайди.

Тизим операторининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туришини таъминлаш;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини сақлаб туриш;

авария режими юзага келишининг олдини олиш, шунингдек уни бартараф этиш;

авария режими бартараф этилгандан кейин тизимнинг ишончилигини тиклаш.

#### **22-модда. Тезкор-диспетчерлик хизматлари**

Тезкор-диспетчерлик хизматлари тегишли электр энергетикаси объектларининг тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширади.

Тезкор-диспетчерлик хизматлари тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширишда тизим операторининг ва юқори турувчи тезкор-диспетчерлик хизматларининг кўрсатмалари ҳамда фармойишларига бўйсунди.

#### **23-модда. Авария режимини бартараф этиш**

Авария режимини бартараф этишда тизим оператори ягона электр энергетикаси тизимида мавжуд бўлган барча захира қувватларни жалб этиш, шунингдек электр энергияси истеъмолига чекловлар жорий этиш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмолига чекловлар, биринчи навбатда, қайси истеъмолчи юридик шахсларнинг ускуналари электр энергетикаси тизими ишлаб туришининг ишончилигига, электр энергияси сифатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ўша истеъмолчи юридик шахсларга нисбатан жорий этилади.

Авария режимини бартараф этишда узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган, ушбу ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилишига, ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган истеъмолчи юридик шахсларга нисбатан электр энергияси ис-

теъмолини чеклаш фақат алоҳида ҳолларда ва белгиланган тартибда тизим оператори томонидан амалга оширилади.

Авария режими вужудга келганда электр энергияси истеъмолини чеклаш тартиби, шунингдек электр энергияси истеъмолига чекловлар жорий этилиши мумкин бўлган истеъмолчилар гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 7-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

### 24-модда. Электр таъминоти шартномаси

Электр таъминоти шартномасига биноан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни ўз вақтида тўлаш, электр энергияси истеъмол қилишнинг шартномада назарда тутилган режимга риоя этиш, ўзи фойдаланаётган электр тармоқларининг, электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ асбоб ва ускуналарнинг лозим даражадаги техник ҳолатини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Электр таъминоти шартномасининг тарафлар учун мажбурий бўлган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Электр таъминоти шартномаси юридик ёки jisмоний шахс билан у ҳудудий электр тармоғига улашиш учун зарур ускуналарга, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига эга бўлган, шунингдек Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари талабларини бажарган тақдирда тузилади.

### 25-модда. Электр таъминоти корхоналарининг мажбуриятлари

Электр таъминоти корхоналари:

электр таъминоти шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилишини таъминлаши;

ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туриши;

электр тармоқларининг лозим даражадаги техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаши;

истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар ҳисобини юритиши;

электр тармоғи ҳўжалиги объектларидаги режали таъмирлаш ишлари ва авария режими муносабати билан электр энергияси етказиб беришнинг чекланиши тўғрисида истеъмолчиларни белгиланган тартибда хабардор қилиши;

истеъмолчиларнинг электр таъминоти масалаларига доир муносабатларини кўриб чиқиши шарт.

Электр таъминоти корхоналари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 26-модда. Электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқлари

Электр энергияси истеъмолчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қирималарини ҳудудий электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

ўзи истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларини ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган тартибда киритиш;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши;

электр таъминоти шартномасини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга, мансабдор шахсга муносабат қилиш.

Электр энергияси истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 27-модда. Электр энергияси истеъмолчиларининг мажбуриятлари

Электр энергияси истеъмолчилари:

электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиши;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаши;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текширишига йўл қўйиши;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириши;

ўзи фойдаланаётган электр тармоқлари, асбоб ва ускуналарининг лозим даражадаги техник ҳолати ҳамда хавфсизлигини таъминлаши, уларнинг носозликлари тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига хабар қилиши шарт.

Электр энергияси истеъмолчилари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 28-модда. Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиш

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолларда:

электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режими бузилганда;

ҳудудий электр тармоқларига электр қирималари ўзбошимчилик билан уланганда;

электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бар-тараф этилган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни қайта тиклайди.

### 29-модда. Электр энергиясини ҳисобга олиш

Электр энергиясини ҳисобга олиш уни ҳосил қилувчи, узатувчи, тақсимловчи ва сотувчи корхоналар, шунингдек истеъмолчи юридик шахслар томонидан мустақил равишда ташкил этилади. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ истеъмолчилар томонидан амалга оширилади.

## 8-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

### 30-модда. Электр энергиясининг тарифлари

Электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда унинг тарифлари белгиланган тартибда тасдиқланади.

### 31-модда. Электр энергетикаси объектларини муҳофиза қилиш

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарни муҳофиза қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек мазкур объектлар шикастланишининг ва аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида электр тармоғи ҳўжалиги объектларига туташ ерларда муҳофиза зоналари белгиланади. Электр тармоғи ҳўжалиги объектларини муҳофиза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 32-модда. Низоларни ҳал этиш

Электр энергетикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 33-модда. Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 34-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,  
2009 йил 30 сентябрь,  
ЎПҚ-225-сон.

# TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 43 (224) 2009 йил 26 октябрь



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги  
омбордан сотилади

01-01



Тўлов – исталган  
шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com




## ELEKTROMOTORS AZIYA



ELECTROMOTORS TRADE COMPANY LLP

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
РАСМИЙ ВАКИЛИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ




ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАР

МАНОМЕТРЛАР



БИР МАРОМДАШГА  
ТУШУВЧИ ЖИҲОЗЛАР



ЧАСТОТАЛИ  
ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЛАР



ЗАВОД НАРХЛАРИ, КАФОЛАТЛАР, СЕРТИФИКАТЛАР, СЎМ ВА ЭВДА  
ҲАҚ ТЎЛАШ, ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ

ХИЗМАТЛАР:

ЭНЕРГОАУДИТ


ЛИЗИНГ

«Ўздавэнергоаудит» ДИ лицензияси

Электр техника жиҳозлари

Т./ф.: 237-3382, 237-3873, 237-4878, 237-4876, 237-4778, 370-3100  
САМАРҚАНД шаҳридаги филиал: 8-366-231-0679

www.vemz-diler.ru, www.elektromotors.uz. E-mail: info@vemz-diler.ru



## Диққат!

Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми?  
Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?

У ҳолда ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
таклиф этаётган

## «Интерактив хизмат кўрсатиш» тизимидан фойдаланинг!

Бунда Сиз:

- солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
  - шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
  - тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш;
  - ўз саволларингизга Форумда жавоб олиш имкониятига эга бўласиз.
- Тизимдан фойдаланишни истовчилар учун ўқув курслари ташкил этилган.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида

**soliq.uz** ёки **hisobot.uz** сайтининг

«Интерактив хизматлар» саҳифасига кирилади.

Ушбу саҳифага кириш ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли  
имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

Тизим Ўзбекистондаги БМТ Ривожланиш Дастурининг молиявий кўмағида ишлаб чиқилган.

Маълумотлар учун телефон: **244-97-66, 241-18-53.**

Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.

Бўлғуси тақдимот маросимлари,  
кўргазмалар, матбуот  
анжуманлари ҳақидаги матбуот-  
релизларни,  
хабарнома-таклифномаларни  
«Норма маслаҳатчи»  
тахририятининг реклама  
хизматига 237-51-33  
телефон-факси  
орқали жўнатишингиз мумкин.

## КАНЦТОВАРЛАР

улгуржи



буюртмага


- ҚОҒОЗ хаммаси уй ва офис учун
- ФАКСЛАР
- ТЕЛЕФОНЛАР 245 33 77
- ТАШК.ТЕХНИКА 245 77 88
- МЕБЕЛЬ 378 30 18

3 турдаги  
тўлов

Тошкент ш.,  
Бунёдкор шоҳкўч., 6А  
www.alterna.uz

N 2320

Ташкилот  
Харьков шаҳрида ишлаб чиқарилган,  
демонтаж қилинган ҳолатдаги ғишт  
заводини зудлик билан сотади.



Тўлиқ комплекти (пишириш  
печларисиз), соатига 9000 дона ғишт  
ишлаб чиқара оладиган СМК-28  
русумидаги пресс.

Нархи ва тўлов шакли келишилади.  
Алоқа боғлаш телефонлари: (8375) 223 46 74, факс (+99897) 207 39 39

## TOSOL АНТИФРИЗ

А-30, А-40, А-65  
ва АМ-концентрат

1, 2,5, 5 кг лик канистралар,  
200 кг лик бочкаларда

Тўлов НАКД пулсиз  
ҲИСОБ-КИТОБ йўЛИ БИЛАН

Сақлаш муддати – 5 йил

Товар патентланган ва сертификатланган

«TOSOL-N» МЧЖ – TOSOL-антифризнинг ягона ишлаб чиқарувчиси.

Маҳсулот моноэтиленгликоль асосида тайёрланиб, ASTM D 3306-79 антифризи (АҚШ)нинг  
аналоги ҳисобланади. Мосламаларнинг юқори технологик пакети туфайли занглашнинг  
барча турида совутиш тизимининг юқори самарали химиясини таъминлайди. Таркибда  
фосфатлар, нитритлар, аминлар мавжуд эмас. Латунь, мис, лигёрланган пўлат, чуён,  
алюмин, руҳли қотишмаларга нейтрал. А, Premium, BUSINESS тоифасидаги ҳамда юқори  
форсажли дизель двигателига эга бўлган автомобиллар талабларига жавоб беради.

Манзил: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1  
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42



МЧЖ ЛК «ASAKA-TRANS-LEASING»

Тадбиркорлик фаолиятингизни  
ривожлантириш учун энг қулай восита:

## ЛИЗИНГ

Лизинг компанияси Тошкент шаҳрида махсус лицензия  
асосида тижорат мақсадида йўловчилар ташувчи юридик  
шахсларга автолизинг хизматларини кўрсатади. Лизинг  
объектлари сифатида: автобуслар, микроавтобуслар ва  
бошқа йўловчи ташиш транспорти тақдим этилиши мумкин.  
Бизга мурожаат қилинг ва Сиз лизинг фаолиятининг барча  
имтиёз ва қулайликларидан фойдаланиш имкониятига эга  
бўласиз.

Манзил: Тошкент ш., Муқимий 1-кўч., 9-уй.  
Тел.: (+99871) 120-40-94 Факс: (+99871) 120-39-59

«top. Товарлар  
ва хизматлар бизнес  
панорамаси»  
рукни «Premier-press» реклама агентлиги  
томонидан тайёрланди.  
Тел.: 237-51-33,  
237-47-20, 237-47-05.

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича куйидагиларни сотади

## ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

◆ ТИҚИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР

- ◆ Дизель кўча электростанцияси 60 кВт
- ◆ ВКР, ВО, ВЦ, "Самал" вентиляторлари
- ◆ Электр ва қўл насослари
- ◆ КТЦ саноат кондиционерлари
- ◆ Электроталлар, кран-балкалар
- ◆ Муз генератори
- ◆ "Россиянка" электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- ◆ Зангламас қувурлар Ø57, эни 4 мм, Ø10, эни 2 мм
- ◆ Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво филтрлари
- ◆ КИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- ◆ Ўт ўчирувчилар қўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

E-mail: kaspi64@bk.ru, тел.: 273-95-90, 175-81-56 (уяли), тел./факс 273-83-86

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

## ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган  
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

237-51-33

237-47-20

237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

## ● РҲЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 18 сентябрдаги қарорларига асосан Чиноз туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"Азизбек" фермер хўжалиги	11-0906/13449
"Абдубеков Халиқул" фермер хўжалиги	11-0906/13446
"Софдиллик" фермер хўжалиги	11-0906/13445
"Қосимов Ойбекхўжа" фермер хўжалиги	11-0906/13444
"Қўлдошев Тохир" фермер хўжалиги	11-0906/13443
"Валижон Султонов" фермер хўжалиги	11-0906/13442
"AVTED" масъулияти чекланган жамияти	11-0906/13441
"Чиноз Умумий овқатланиш" шуъба корхонаси	11-0906/13465
XX "Бурдоқчилик базаси"	11-0906/13471
"Таэқвон-До" кичик корхонаси	11-0906/13473
"Абдумажид сервис" хусусий корхонаси	11-0906/13441
"Национал Фарм" хусусий корхонаси	11-0906/13448
"Зоҳиджон" масъулияти чекланган жамияти	11-0906/13450
"Чиноз Шифер" масъулияти чекланган жамияти	11-0906/13451
"Азон Муслима" масъулияти чекланган жамияти	11-0906/13452
"НИЧУЗ" хусусий фирмаси	11-0906/13453
"Жолтаев Номозбой" хусусий корхонаси	11-0906/13454
"Береке" хусусий фирмаси	11-0906/13455
"Самад Нурмухаммад" хусусий корхонаси	11-0906/13456
"Чиноз Ёғоч савдо" хусусий корхонаси	11-0906/13457
"Нав-Ноз" хусусий корхонаси	11-0906/13458
"Жакипова Самира" хусусий корхонаси	11-0906/13459
"Олмазор Шароб" масъулияти чекланган жамияти	11-0906/13460
"Бехзод-омад-файз" хусусий корхонаси	11-0906/13470
"Чиноз Саёҳат" хусусий корхонаси	11-0906/13469
"Шокирали Мадина Файз" хусусий корхонаси	11-0906/13468
"Виктор Пак" хусусий корхонаси	11-0906/13464
XX "Умумий овқатланиш" корхонаси	11-0906/13466

Мазкур корхоналарга алоқадор шахслар ҳамда корхоналарнинг мушоҳидачилари бўйича даъволари бўлса, икки ойлик муддатда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ишончномалар ҳамда мавжуд қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан мушоҳида қилишлари мумкин. Ушбу корхоналарга тегишли бурчак штамплари ва муҳрлари бекор қилинади. Манзил: Чиноз шаҳар, Самарқанд кўчаси, 1-уй. Тел.: 150-59-70 (код 8-371).

## "ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ" ҚҚ

ХАЛҚА  
квадрат, поковкаконструкциян, иссиққа чидамли,  
зангламас

конструкциян шестигранник

ТУНУКА



иссиқ жўваланган, тарам-тарам, зангламас

ст. У8Г – 0,9х326 мм рулонли тасма


Техник туз 1-2 навли (Учкудук)

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95, e-mail: vklim\_70@mail.ru

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИTÜV  
CERT  
EN ISO 9001

РЕАЛ НАРХЛАР БҲЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (қўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

\*Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган, таъсисчилари топилмаганлиги сабабли фаолияти тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Ҳоқим қарори рақами ва санаси	Почта ёки уй манзили	Раҳбар исм-шарифи
"DRUGSTORE MEDICAL" МЧЖ	003885-11	05.03.2009 Бобур кўч., 21а	И.И.Норов
"EKOTOMSTROY BIZNES" МЧЖ	002738-11	13.12.2006 Муқимий 1-берк кўч., 7	А.В.Шин
"VENTO KOREA" МЧЖ	003706-11	28.03.2008 Бобур кўч., 73а	Р.Р.Ким
"SALOM SAVDO" МЧЖ	003909-11	07.03.2008 Яққасарой, 7-уй	Д.С.Ким
"BRITANIKA" МЧЖ	004560-11	22.05.2009 А.Қаҳқор, 47-уй	А.Е.Душабаев

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 14 октябрдаги ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб топиш бўйича иш очилган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"Курилиш тайёрлаш" УПП АЖ	10-0909/15984
"Mavyun" МЧЖ	10-0909/15983
"Ornella Karavella" МЧЖ	10-0909/15981
"Nazira Farm Plus" МЧЖ	10-0909/15982

Мазкур корхоналар бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 27 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Корхоналар юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51А-уй манзилига билдирилиши мумкин Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Чирчиқ шаҳридаги банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни бошланган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Юридик манзили	Қарор рақами
"PROGRES STROY" МЧЖ	205058954	Чирчиқ ш., Мендилейива кўч., 2	11 0906/16127(19)
"HUSIK BITL M" МЧЖ	205849294	Чирчиқ ш., 9-кичик ноҳия, 29-34	11 0906/16128(19)
"Астро Алекс" ХФ	205215728	Чирчиқ ш., 10-кичик ноҳия, 50-2	11 0906/16129(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими М.Умаров (индекс 111700, тел.: 150 64-85, 6-26-70) тайинланган. Кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Чирчиқ ш., Темирийўлчилар кўчаси, 128а-уй, Чирчиқ шаҳар ДСИ биносидан эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат давомида қабул қилинади. Ушбу корхоналарнинг бурчак штамплари ва думалоқ муҳрлари олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 14 октябрдаги 11-0924/15619(19)-сонли ажримига асосан Бекобод шаҳрида рўйхатдан ўтган "BEKEMIR SERVIS" ХФ (СТИР 204825998) банкротлик иши очилган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 25 октябрь куни соат 15.00 да Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Истиклол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Суд муҳокамаси 2009 йил 25 октябрь соат 15.00 да Бекобод шаҳар ДСИ биносидан ўтказилди. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Истиклол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биноси, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
НОРМА МАСЛАХАТЧИСОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚБОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxahbor@mail.ru

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келармайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишига фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диагностикалар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаханасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Буюртма 296 Алди 4985. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган.  
Газета 2009 йил 23 октябрда соат 00.30 да топширилади.  
ISSN 2010-5223